

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JAMOAT XAVFSIZLIGI UNIVERSITETI**



**“JINOIY QILMISH – JINOIY JAVOBGARLIKNI DIFFERENSIATSIYA
ELEMENTI: XALQARO TAJRIBA VA MILLIY MODELLAR”**

**«УГОЛОВНЫЙ ДЕЯНИЕ – ЭЛЕМЕНТ ДИФФЕРЕНЦИАЦИИ
УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ: МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ И
НАЦИОНАЛЬНЫЕ МОДЕЛИ»**

**“THE CRIMINAL OFFENSE AS AN ELEMENT IN THE
DIFFERENTIATION OF CRIMINAL LIABILITY: INTERNATIONAL
EXPERIENCE AND NATIONAL MODELS”**

mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi
MATERIALLARI

I-TOM

2026-yil 20-may

TOSHKENT - 2026

KBK – 67.4 (67.8)

УДК – 35.09(571.2)

Jamoat xavfsizligini ta'minlashda kuch ishatish va maxsus vositalarni qo'llashning nazariy va amaliy muammolari. // Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. **I-TOM** 2026-yil 20-may. - Toshkent, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti. Toshkent, 2026. – 360-bet.

Konferensiya O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universitetining 2026-yilga ilmiy-tadqiqot ishlari rejasi, bo'yicha bo'lib o'tdi.

To'plamda jinoiy qilmish institutining nazariy-huquqiy asoslari, jinoiy javobgarlikni liberallashtirish va insonparvarlashtirish masalalari, jinoyat va jinoyat-protsessual qonunchiligini takomillashtirishning zamonaviy tendensiyalari, shuningdek, xalqaro tajribaning milliy huquq tizimiga implementatsiya qilinishiga oid dolzarb ilmiy yondashuvlar yoritilgan. Shu bilan birga, to'plamdan jinoyat huquqi, jinoyat-protsessual huquqi, xalqaro huquq, ekologik xavfsizlik, tadbirkorlik faoliyatini jinoyat-huquqiy muhofaza qilish, raqamli texnologiyalar sharoitida huquqiy tartibga solish hamda protsessual islohotlarga bag'ishlangan tadqiqotlar o'rin olgan.

Mazkur to'plam professor-o'qituvchilar, ilmiy tadqiqotchilar, doktorantlar, mustaqil izlanuvchilar, huquqni muhofaza qiluvchi organlar xodimlari hamda huquq sohasi mutaxassislari uchun mo'ljallangan bo'lib, jinoyat-huquqiy siyosatni takomillashtirish va zamonaviy huquqiy islohotlarni ilmiy jihatdan asoslashga xizmat qiladi.

Tahrir hay'ati:

yu.f.d., professor Mirazov D.M.

yu.f.d., professor Xalikulov U.Sh.

yu.f.d., professor Usmonova M.A.

yu.f.d., professor Xayriyev N.I

yu.f.d., dotsent Nurmuhamedova G.B.

yu.f.b.f.d.(PhD), Xujamberdiyev F.K.

yu.f.b.f.d.(PhD), Yunusov D.B.

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, Криминологик омилларни тадқиқ қилиш маркази, бош илмий ходими,

**ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗО
ЎТАШ ТАРТИБ ВА ШАРТЛАРИНИ ТАШКИЛ-ҲУҚУҚИЙ
ЖИҲАТЛАРИ**

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси жазони ижро этиш муассасаларида амалга оширилади ва уларнинг фаолияти қатъий тартиб-қоидалар асосида ташкил этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирдиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти тасарруфида жами 49 та (18 та ёпиқ турдаги колония, 20 та манзил колония ва 11 та тергов ҳибсхона) жазони ижро этиш колониялари мавжуд бўлиб, жами 46 239 нафар махсус контингент сақланмоқда.⁷²

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб қўйилган инсонпарварлик, инсон ҳаёти эркинлиги, шаъни қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларининг олий қадрят сифатида тан олиниши каби умуминсоний принципларни амалда таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳатларнинг асоси ҳисобланади.

Бугунги кунда жазони ижро этиш муассасалар фаолияти “Маҳбуслар билан муомалада бўлишнинг минимал стандарт қоидалари” (БМТ резолюцияси 1955 йил августда қабул қилинган) ва “Маҳбуслар билан муомала қилишнинг асосий принциплари”га (БМТ резолюцияси 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган) мос равишда 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ижроия кодекси билан тартибга солиниб келинмоқда.

⁷² Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменети ҳисоботлари

Қодексда қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларни тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш учун ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси жазоларни ижро этиш тизими тўлалигича Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги модель ҳисобланади.

Жазони ижро этиш тизими фаолиятининг самарадорлиги, энг аввало, уни вужудга келтирувчи ҳуқуқий муносабатлар субъектлари тизими қай даражада оқилона ташкил этилгани ва улар ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг IV бўлими **озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш** деб номланиб, бўлимнинг 9-боби Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасалари фаолиятига қаратилган.

Хусусан, Кодекснинг 45-моддасида жазони ижро этиш муассасаларининг турлари акс эттирилган. Унга кўра, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини жазони ижро этиш муассасалари амалга ошириши кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, Жиноят ижроия кодексининг II кичик бўлими **Колониялар ва турмаларда жазони ўташ** деб номланиб, 116-125-моддаларда ёпиқ тартибли жазони ижро этиш колониялари бўйича жазо ўташ тартиби ва шартлари ёритилган.

Шунингдек, Ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 174-сон ва “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини

тасдиқлаш тўғрисида” 175-сон буйруғлари асосида жазони ўташ тартиб ва шартлари белгиланган.

Жиноят ижроия кодекси кўра жазони ижро этиш колонияларида тартибот талабларидан кўра **жазони ўташ тартиби** қуйидагича белгиланган:

1. Умумий тартибли колонияларда жазо ўташ тартиби.

Умумий тартибли колонияларда жазони суд ҳукмига биноан келган, тарбия колонияларидан ўтказилган ва суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида ўтказилган маҳкумлар, қасддан оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш тартибида суднинг ажрими асосида юборилган маҳкумлар, рағбатлантириш тарзида ёки суд томонидан тайинланган турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш муддатини ўтаганидан кейин турмалардан ўтказилган маҳкумлар ўтайди⁷³.

2. Қаттиқ тартибли колонияларда жазо ўташ тартиби.

Қаттиқ тартибли колонияларга суд ҳукмига биноан келган, турмалар ва махсус тартибли колониялардан рағбатлантириш тарзида ўтказилган, суд томонидан тайинланган турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш муддатини ўтаганидан сўнг турмалардан ўтказилган, суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида қайтарилган, қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони илгари ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога қайта ҳукм қилиниб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш тартибида суднинг ажрими асосида юборилган маҳкумлар ўтайди⁷⁴.

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси – 116-модда.

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси – 118-модда.

3. Махсус тартибли колонияларда жазо ўташ тартиби.

Махсус тартибли колонияларга суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар, умрбод озодликдан маҳрум қилинганлар, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар, суд томонидан қаттиқ тартибли колониялардан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар ўтайдилар⁷⁵.

4. Турмаларда жазо ўташ тартиби. Турмаларда жазони суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар, суд томонидан жазони ижро этиш колонияларидан ўтказилган жазо ўташ тартибини ашаддий бузувчилар ўтайдилар⁷⁶.

5. Тарбия колонияларида жазо ўташ тартиби. Тарбия колонияларида ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар каттароқ ёшдаги маҳкумлардан, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган маҳкумлардан алоҳида сақланадилар⁷⁷.

Тақдим этилган Кодекс нормаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг жиноят-ижроия тизими дифференциация (тафовутланиш) ва индивидуализация (яккалаштириш) принципларига қатъий амал қилган ҳолда қурилган. Бу тартиботлар маҳкумларни сақлаш шароитларини уларнинг содир этган жиноятининг оғирлиги, қайта жиноят содир этиш хавфи (рецидив), илгари жазо ўтаганлиги ва хулқ-атвори каби асосий мезонлар бўйича ажратишга қаратилган.

Биринчидан, жазони ўташ жойларининг (умумий, қаттиқ, махсус тартибли колониялар, турма ва тарбия колониялари) аниқ типологияси белгиланиши, тизимнинг хавфсизлик ва тарбиявий самарадорлик вазифаларини бирлаштиришга хизмат қилади. Тартибларнинг алмашуви (айниқса, рағбатлантириш ёки

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси – 120-модда.

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси – 122-модда.

⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси – 124-модда.

интизомий жазо тарзида пастки ёки юқори тартиботга ўтказиш) механизми маҳкумнинг ўзини тутишини мунтазам назорат қилиш ва уни тузатишга ундашнинг ҳуқуқий асосидир.

Иккинчидан, тизим ичидаги қаттиқлаштириш (айниқса, турмаларга ёки махсус тартибли колонияларга ўтказиш) ва юмшатиш (рағбатлантириш орқали бошқа турга ўтказиш) механизмлари жазонинг индивидуаллашуви принципининг амалдаги ифодаси ҳисобланади. Бу жазо ижросини статик эмас, балки динамик жараён сифатида қабул қилишни тақозо этади.

Учинчидан, тарбия колонияларида вояга етмаганларнинг ёш ва илгари судланганлик асосида қатъий ажратилиши – пенитенциар педагогиканинг асосий талаби бўлиб, ёшларнинг катта ёшли ёки рецидивист маҳкумларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилинишини, шунингдек, уларнинг ижтимоий реабилитацияси учун қулайроқ муҳит яратилишини таъминлайди.

Жазони ўташ шартлари жазони ижро этиш сиёсати ва жинойт-ижроия тизимининг асосий таркибий элементи сифатида маҳкумнинг ҳуқуқий мақоми ва унинг ислоҳ қилиниш жараёнини белгиловчи асосий механизм ҳисобланади.

Жинойт ижроия кодекси кўра жазони ижро этиш колонияларида тартибот талабларидан кўра **жазони ўташ шартлари** қуйидагича белгиланган:

1. Умумий тартибли колонияларда жазо ўташ шартлари.

Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар. Маҳкумлар белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 70,3 фоизигача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Маҳкумлар йил мобайнида:

олти марта қисқа муддатли ва олти марта узоқ муддатли учрашув;

ўн икки марта телефон орқали сўзлашув;

ўн иккита посилка ёки йўқлов;

ўн иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга ⁷⁸.

2. Қаттиқ тартибли колонияларда жазо ўташ шартлари.

Қаттиқ тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 52,7 фоизигача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Маҳкумлар йил мобайнида:

беш марта қисқа муддатли ва беш марта узоқ муддатли учрашув;

саккиз марта телефон орқали сўзлашув;

саккизта посилка ёки йўқлов;

саккизта бандерол олиш ҳуқуқига эга ⁷⁹.

3. Махсус тартибли колонияларда жазо ўташ шартлари.

Махсус тартибли колонияларда маҳкумлар камераларда ёки умумий яшаш биноларида яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизи бўлган суммасигача озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Маҳкумлар йил мобайнида:

тўрт марта қисқа муддатли ва тўрт марта узоқ муддатли учрашув;

олти марта телефон орқали сўзлашув;

олтита посилка ёки йўқлов;

олтита бандерол олиш ҳуқуқига эга ⁸⁰.

Камераларда сақланадиган маҳкумларнинг кинофильмлар ва телекўрсатувлар кўриши тақиқланади.

4. Турмаларда жазо ўташ шартлари. Турмаларда маҳкумлар умумий камераларда сақланадилар. Алоҳида

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси – 117-модда.

⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси – 119-модда.

⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси – 121-модда.

ҳолларда маҳкумнинг батамом ажратиб қўйилишини таъминлаш мақсадида муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида уни бир кишилик камерада сақлашга йўл қўйилади⁸¹.

Турмада маҳкумлар белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизигача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Турмаларда маҳкумлар ҳар куни муддати бир соатлик сайр қилиш ҳамда йил мобайнида:

тўрт марта қисқа муддатли ва бир марта узоқ муддатли учрашув;

тўрт марта телефон орқали сўзлашув;

тўртта посилка ёки йўқлов;

тўртта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Турмаларда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилган маҳкумларга рағбатлантириш тарзида ҳар кунлик сайр муддати бир соатга узайтирилиши мумкин.

5. Тарбия колонияларда жазо ўташ шартлари. Тарбия колонияларида маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 87,9 фоизигача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида:

йигирма тўрт марта қисқа муддатли ва саккиз марта узоқ муддатли учрашув;

йигирма тўрт марта телефон орқали сўзлашув;

ўн иккита посилка ёки йўқлов;

ўн иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Вояга етмаган маҳкумларга ота-онаси ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувлар чекланмаган миқдорда берилади.

⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси – 123-модда.

Ўн саккиз ёшга тўлган ва тарбия колонияларида қолдирилган маҳкумларга вояга етмаган маҳкумлар учун белгиланган нормаларда овқат, уст-бош, моддий-маиший таъминот ва бошқа жазо ўташ шароитлари татбиқ этилади. Бу шахсларнинг меҳнат шароитлари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади⁸².

Ўзбекистоннинг жиноят-ижроия тизимида жазони ўташ шартларини дифференциациялаш (тафовутлаш) принципи нақадар қатъий қўлланилишини яққол кўрсатади. Ушбу шартлар маҳкумнинг хавфлилик даражаси ва тузатишга бўлган эҳтиёжи орасидаги ўзаро боғлиқликни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Колониялар турига қараб (умумий → қаттиқ → махсус → турма) маҳкумларга бериладиган учрашувлар, посилкалар сони ва пул сарфлаш имкониятининг мунтазам равишда пасайиб бориши – жазонинг интенсивлик даражасини акс эттиради.

Маҳкумларга меҳнат ҳақининг муайян фоизигача харид қилиш ҳуқуқининг берилиши жазони ижро этишнинг тарбиявий доминанталигини таъминлайди.

Бу, бир томондан, маҳкумнинг меҳнатга бўлган қизиқишини оширса, иккинчи томондан, жазо муассасасининг иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва унинг ўз-ўзини таъминлаш механизмининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Тарбия колонияларида шартларнинг кескин юмшоқроқ эканлиги (айниқса, чекланмаган учрашувлар берилиши) вояга етмаган маҳкумларга нисбатан гуманистик ёндашув устуворлигини кўрсатади.

Юридик адбиётларда жазони ижро этиш муассасаларида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил этишнинг ўзига ҳос хусусиятлари сифатида қуйдагилар кўрсатиб ўтилган.

⁸² Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси – 125-модда.

- ижтимоий-тарбиявий доминантлик (устунлик) вазифасини ўтайди;
- жиноятчининг янги жиноят содир этишининг махсус огоҳлантирувчи, олдини олувчи хусусияти ҳисобланади;
- озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ўзининг қоралаш хусусияти орқали узлуксиз хусусиятда мужассамлаштирилади;
- жазонинг огоҳлантириш хусусияти маҳкумнинг руҳий механизмини чуқур ўрганишни тоқозо этади;
- озодликдан маҳрум этиш жойларида жазонинг таъсир кучи шахсга маълум муддатга ижобий таъсир кўрсатади;
- жазо ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, маҳкумларнинг содир этган жиноят турига қараб оғир ёки ўта оғир тури сифатида қаралади⁸³.

Юридик адабиётларда қайд этилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш хусусиятлари, амалдаги жиноят-ижроия тизимида жазонинг моҳияти, мақсади ва уни амалга ошириш механизмлари ўртасидаги узвий боғлиқликни кўрсатади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноят-ижроия тизимидаги энг мураккаб ва кўп функцияли институтдир. У фақат жазолашни эмас, балки профилактика, реабилитация, ижтимоий мослаштириш ва ҳуқуқий адолатни таъминлаш вазифаларини ҳам қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси билан жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга белгиланган ҳуқуқлар, аввало, **жазони ўташ тартиби ва шартларининг қонуний, очиқ ва инсонпарвар асосда таъминланишига қаратилган.**

Унга кўра, маҳкумларнинг жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқи⁸⁴ мавжуд бўлиб,

⁸³ Ниёзова С. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш муаммолари. Ўқув қўлланма. – Тошкент 2013. Б. 17

маҳқум жазони ижро этиш муассасасига келган вақтида у нимага ҳақли, нимага мажбур, қандай чекловлар мавжудлиги ҳамда режим талаблари ҳақида тўлиқ ва тушунарли ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Мазкур модда билан маҳкумларнинг жазо ўташ тартиби ва шарт-шароитлари, ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Бу эса, ўз навбатида, жазони ижро этувчи орган қошидаги муассасага маҳкумларга мазкур ахборотни бериш мажбуриятини юклайди⁸⁵.

Маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасасига келган вақтда ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари, чекловлари ва режим талаблари ҳақида тўлиқ ва тушунарли ахборот олиши – бу қонунийлик ва адолатлилик принципларининг амалга оширилишидир. Бу ҳуқуқ маҳкумга ўз ҳаётини тартиб-қоидаларга мувофиқ қуриш имконини беради ва муассаса маъмуриятига ахборотни тақдим этиш мажбуриятини юклаш орқали тизимнинг очиқлигини таъминлайди.

Жазони ижро этиш жараёнида маҳкумларга берилган ҳуқуқлар қанчалик муҳим бўлса, улар зиммасига юкланган мажбуриятлар ҳам шунчалик аҳамиятли бўлиб, Жиноят-ижроия кодекси билан маҳкумларнинг жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя этишга мажбурлиги⁸⁶ белгилаб қўйилган.

Маҳкумларнинг жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя этиш мажбурияти жиноят-ижроия муносабатларининг асосий ҳуқуқий мезони ҳисобланади.

Мажбуриятларни бажармаслик интизомий жазолар, режимнинг кучайтирилиши ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа жавобгарликка олиб келиши мумкин.

Маҳкумларга республикамиз конунлари, шунингдек уларга мувофиқ қабул килинган ҳамда жазони ўташ тартиби ва

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси – 9-модда.

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига шарҳ, Тошкент 2016 й. 25-б.

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси – 13-модда.

шароитлари белгиланган бошка норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш мажбуриятини юкловчи нормалар келтирилган. Бундай талаблар маҳкумлар улар билан таниша олишлари, тегишли кучирмалар олишлари учун маҳкумларга тўлик етказилиши лозим. Бу гап, айникса, мажбуриятлар ва тақиқларга оид умумий қоидалар батафсил тушунтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тааллуқлидир. Мазкур мажбурловчи кўрсатмалар ва тақиқларнинг кўпчилигини маҳкумларнинг учрашувларга келувчи, посилка ва хат-хабарлар, йўқловлар юборувчи қариндошлари билишлари лозим⁸⁷.

Мазкур нормаларнинг амалиётда тўлиқ ва самарали қўлланилиши, аввало, маҳкумларнинг ўз мажбуриятлари ва уларга нисбатан қўйилган чекловлар ҳақида атрофлича хабардор этилишига бевосита боғлиқ. Чунки ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий хабардорлик жазони ўташ тартибига риоя қилишнинг асосий кафолатларидан биридир.

Шу боисдан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларни маҳкумларга етказиш, уларни тушунтириш ва зарур ҳолларда кўчирмалар билан таъминлаш - жазони ижро этувчи муассасалар фаолиятида муҳим тарбиявий ва профилактик механизм сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, маҳкумларнинг қариндошлари ҳам белгиланган тартиб, чеклов ва тақиқлардан хабардор бўлиши, муассасага қисқа ва узоқ муддатли учрашувларга келганида, посилкалар ва хат-хабарлар юборишда ҳуқуқий қоидаларга амал қилиши жазо ўташ тартиби бузилишларини олдини олади ҳамда жазони ижро этиш муассасасида тартибот ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Бу ҳолат жазони ижро этиш жараёнида **“маҳкум - маъмурият - оила”** ўртасидаги ўзаро масъуллик ва ҳуқуқий тартибга риоя этиш маданиятини шакллантиради.

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига шарҳ. Тошкент 2016 й. 32-б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига шарҳ. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги – Тошкент 2016 - Б. 222-224, 235-237.

2) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2023 йил “30” майдаги “Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар билан тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 284-сон буйруғи.

3) Ниёзова С., Хакимов К. Д.Исроилов, Ш.Хайдаров, З.Шамсиддинов Жиноят-ижроия ҳуқуқи. Дарслик. – Т., 2024. – Б. 174–184.

4) Ниёзова СС., Хайдаров Ш.Д. Жиноят-ижроия ҳуқуқи модули тушунчаси. предмети ва принциплари – Тошкент, 2020. – Б. 39–58.

5) Ниёзова С. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш муаммолари. Ўқув қўлланма. – Тошкент 2013. Б.

6) Penal Reform International. Global Prison Trends. – 2021. – P. 37–62.

7) European Committee for the Prevention of Torture (CPT) Reports on Detention Conditions. – Selected Sections.

1-TOM. JINOIY HUQUQBUZARLIK INSTITUTI VA JINOIY JAVOBGARLIKNI DIFFERENSIATSIYA QILISHNING NAZARIY-AMALIY MUAMMOLARI.....3

Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович

Либерализации уголовного законодательства Республики Узбекистан в связи с внедрением Кодекса о проступках 4

Раймундас Калесникас

Криминализация и уголовная ответственность за торговлю влиянием в контексте новой директивы Европейского Союза (ЕС) по противодействию коррупции..... 19

Адилов Санжар Аксенович

Уголовный проступок и процессуальная адаптация материалов международной правовой помощи по уголовным делам..... 25

Холикулов Умид Шодиевич

Дифференциация уголовной ответственности: от формальной классификации к модели вреда, справедливости и пределов уголовного вмешательства..... 30

Usmanova Muborak Akmaljanovna

Voyaga etmaganlar jinoyatchiligining profilaktikasida jinoiy jazoni liberallashtirishning o'рни..... 37

Фахритдин Мухитдинов

Эдвин сатерленднинг «дифференциал ассоциация» назариясининг криминалогик таълимотдаги ўрни ва аҳамияти. 46

Ахроров Бахром Джаббарович

Наримов Икром Шерматович

Иқтисодий ривожланишнинг ҳуқуқий асослари ва иқтисодиётни либераллаштиришнинг устувор чора-тадбирлари 58

Махсадов Махсатулло Исматович

Фирибгарлик жинояти учун жавобгарликни соҳавий махсулаштириш ва квалификация қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш..... 67

Nurmuhammedova Go'zalxon Bahodirovna

Korrupsiyaga qarshi kurashishning jinoiy-huquqiy choralarini takomillashtirish (korrupsiyaga oid jinoyatlarni farqlash mezonlari va jazolar samaradorligini baholash asosida)..... 75

Yuldashev Sherali Nuraliyevich

Huquqbuzarliklar profilaktikasini amalga oshirishda raqamli texnologiyalarni qo'llash amaliyoti..... 105

Xasanov Muxriddin O'roqboy o'g'li

Jinoiy javobgarlikni differentsiatsiya qilishda jinoiy qilmishning o'рни: qiyosiy-huquqiy tahlil..... 111

Мусашайхов Каримжон Хусанханович

Профессионал спорт соҳасида коррупцияга қарши курашишда замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаш масалалари 121

Хо'jamberdiyev Farrux Komilovich

Mirzaxo'jayev Madiyorxo'ja Doniyorxo'ja o'g'li

Sun'iy intellekt yordamida sodir etiladigan kiberjinoyatlar: jinoiy javobgarlik va huquqiy bo'shliqlar 132

Payziyev Abbas Muxammadovich

Internet va raqamli texnologiyalar orqali sodir etilayotgan narkojinoyatlarda jinoiy javobgarlikni differentsiatsiya qilish..... 141

Mirzaxo'jayev Madiyorxo'ja Doniyorxo'ja o'g'li

Axborot sohasidagi jinoyatlarning nazariy-huquqiy asoslari 147

Ачиллов Иззат Тулкинови

Субъективные признаки преступлений против половой неприкосновенности несовершеннолетних..... 156

Болиев Умар Усманович

Маҳаллаларда жамоат тартибини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларининг тизимли-ҳуқуқий таҳлили168

Achilov Alisher Temirovich

Abzalov Miraziz Mirgiyazovich

Alimova Muxlisa Asqarxo'ja qizi

Odam savdosl178

Чориев Анвар Қўзиевич

Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятининг ўхшаш жиноятлардан фарқлари188

Рихсимов Комрон Аброрович

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ўташ тартиб ва шартларини ташкил-ҳуқуқий жиҳатлари203

Achilov Alisher Temirovich

Abzalov Miraziz Mirgiyazovich

Raximova Muslimaxon Muhammad qizi

Inson a'zolarining "yashirin iqtisodiyoti": transmilliy tibbiy korporatsiyalarning xalqaro jinoiy javobgarligi muammolari.....215

Наимов Рахимжон Хафизович

Особенности профилактического учета лиц, ранее совершивших преступления 2223

Исхаков Б.Т.

О некоторых правилах предупреждения преступлений в отношении ребёнка и обеспечения его безопасности 2301

Умматов Мухаммадрасул Турсунович

Ўзбекистон республикасида жамоат хавфсизлиги тизимини ҳуқуқий тартибга солиниши.....239

Усманов Нодирбек Нохиджонович

Божхона органлари томонидан солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятлари бўйича суриштирув ўтказишнинг ижтимоий-ҳуқуқий зарурияти 24748

JAMOAT XAVFSIZLIGI UNIVERSITETI

Усмонов Бекзод Абсаломович

Фирибгарлик натижасида етказилган зарарни қоплашнинг аҳамияти.....255

Файзев Дилшод Наджимович

Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилишнинг ҳуқуқий-сиёсий зарурати..... 2612

Шарипов Жасур Саттор ўғли

Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларни криминоген вазиятга кўра таснифлаш асосида олдини олиш хусусиятлари..... 2723

A.A.Tursunboyev

Harbiy xizmatchilarning yuridik javobgarligi huquq instituti sifatida.....286

Sardor Alisherovich Isayev

Qurolning noqonuniy muomalasi tushunchasi, tuzilishi va huquqiy tasnifi.....299

Mirsulton Abbosov

Sun'iy intellekt ishtirokida sodir etiladigan ijtimoiy xavfli qilmishlar obyektiv belgilarining yuridik tahlili315

Axmedov Baxodir Baxtiyarovich.

Murakkab dnk aralashmalaridan shaxs identifikatsiya qilish327

Xujamberdiyev Farrux Komilovich.

Koreya respublikasida jamoat xavfsizligini ta'minlashning konstitutsiyaviy-huquqiy asoslari.....333

Tojaliyev Ilyosbek Lochinboy o'g'li.

Pirotexnika buyumlarining qonunga xilof muomalasi uchun jinoiy javobgarlikning subyektiv belgilari tahlili.....338

Q.A. Azizov.

Jinoyat ishini qo'zg'atish yoki uni qo'zg'atishni rad etish haqidagi qarorlar ustidan berilgan shikoyatlarni sud tartibida ko'rib chiqish tartibini qonunchilikda belgilash zaruriyati.....346

JAMOAT XAVFSIZLIGI UNIVERSITETI

**“JINOIY QILMISH – JINOIY JAVOBGARLIKNI DIFFERENSIATSIYA
ELEMENTI: XALQARO TAJRIBA VA MILLIY MODELLAR”**

**«УГОЛОВНЫЙ ДЕЯНИЕ – ЭЛЕМЕНТ ДИФФЕРЕНЦИАЦИИ
УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ: МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ И
НАЦИОНАЛЬНЫЕ МОДЕЛИ»**

**“THE CRIMINAL OFFENSE AS AN ELEMENT IN THE
DIFFERENTIATION OF CRIMINAL LIABILITY: INTERNATIONAL
EXPERIENCE AND NATIONAL MODELS”**

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi

MATERIALLARI

I-TOM

2026-yil 20-may

Muharrir: Nurmuhamedova G.B.

Texnik muharrir: Boboxonov S.R.

Bosishga ruxsat etildi: 21.06.25 y. Buyurtma: № 13. Xdfu Format
60x90/16.

Times New Roman garniturasida bilan raqamli bosma usulida bosildi.

Hajmi: 23,25 sh.b.t., 16,6 t.-h.t. Adadi: 5 nusxa.

O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti bosmaxonasi